

**“АДАБУ-Л-ИМЛО ВА-Л-ИСТИМЛО” АСАРИНИНГ ХУРОСОН ИЛМИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

**Юсупов Ҳалиуллоҳ Саъди ўғли**

Ўзбекистон Ҳалқаро Ислом академияси таянч докторанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада Абдулкарим Самъонийнинг “Адабул-л-имло ва-л-истимло” асариниг Хуросон илмий муҳитида тутган ўрни ҳақида сўз боради.

**Калит Сўзлар:** имло, истимло, мумлай, мустамлай, котиб.

## **КИРИШ**

Хорижлик ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг Абдулкарим Самъоний ҳаёти ва ижоди борасида қилган изланишларига қаралганда, олимнинг тарихга оид “Ал-ансоб” номли шоҳ асарига кўпроқ эътибор қаратилгани гувоҳи бўлинади. Шу эътибордан олимнинг тарихчи ва насабшунос жиҳати ўрганилган. Олимнинг “Адабул-л-имло ва-л-истимло” асари ўрганиб чиқилгандан сўнг, олимнинг машҳур муҳаддис эканлиги, ҳадис илмларида моҳир ва мўътабар бўлгани намоён бўлди. Замонасининг Ибн Асокир, Абул Фатҳ Боқиллоний каби имомлари олимдан ҳадис ривоят қилгани, имом Захабий, Ибн Халликон, Тожиддин Субкий, Ибн Касирдек алломаларнинг олим ҳақидаги мақтовлари ва эътирофлари Самъонийнинг илмий даражаси нақадар юксак бўлганлигига далил бўлади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

Абдулкарим Самъонийнинг “Адабул-л-имло ва-л-истимло” асари ҳадис илми таълим методологиясида юксак аҳамиятга эга асар ҳисобланади. Асар муҳаддисларнинг илм талаб қилиш ва уни ўрганишдаги йўлларини батафсил изоҳлаб беради. Куйида асарнинг таркибий тузилиши, унинг аҳамияти, таълим методологиясида тутган ўрни бўйича батафсил маълумотлар баён қилинади.

Аввало асар номини И мом Захабий, Субкий, Ҳожи Халифа, Исмоил Пошо Бағдодийлар “Ал-имло ва-л-истимло” деб аташган. И мом Заркаший, Саховий, И мом Суютийлар эса “Адабул-л-имло” дейишган.

Асар “Адабул-л-имло ва-л-истимло” деб номланиб, сўзма-сўз таржима қилинганда “ҳадис айиш ва ёзиб олиш одоби” деган маънони англатади. Муҳаддислар истилоҳида ҳадис ривоят қилиш жараёни “имло”, мажлисда талабаларга етказиши “истимло” ва ёзиб олиш жараёни “китоба” деб аталган. Таърифдан келиб чиқиб, ҳадис ривоят қилаётган шайхга “мумлай”, ёзиб олаётган талабага “котиб” деб айтилган. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, аллома асарни “Адабул имло вал истимло” деб номлаган. Яъни, ҳадис ривояти билан шуғулланувчи устоз-шогирд одоблари деган маънони англатади.

Умуман олганда “имло ва-л-истимло” мавзусида ёзилган китоблар “Мусталаҳул ҳадис” (Ҳадис илми истилоҳлари) фан соҳасининг тармоқларидан бири ҳисобланади.

“Адабул имло вал истимло” асарнинг ёзилиш тарихини муаллифнинг асарга ёзган муқаддимаси ифодалаб беради. Унда муаллиф шундай дейди: “Биродарим, Аллоҳ сени ҳифзи ҳимоясида сақласин, мендан ривоят қилиш ва эшитиш одоблари, ривоят қилувчи ва эшитувчига зарур бўлган юксак ахлоқларлар билан хулқланиш ва набавий суннатга эргашиш масалалари ҳақида бирор асар таълиф қилишимни сўрадингиз. Шу билан бирга асар муҳтасар бўлишини истадингиз. Зоро, ҳимматлар озайган, сиз сўраган маълумотлар ҳадис илмлари ичидаги келтирилган. Уни топиб ўқишига бўлган қизиқиши эса сўнгандир. Сиз сўраган маълумотларни ўзида жамлаган асар ёзиш учун Аллоҳга истихора қилиб, уни тўплашга киришдим. Асарда муҳаддис ва талабага зарур бўлган одоблар, ўқитиш ва ўрганиш услубларига тегишли маълумотларни келтирдим”.

Муқаддимага назар солинса, “муҳтасар асар” деган сўзга гувоҳ бўлинади.

Дастлаб Имом Самъоний ушбу мавзудаги китобга эҳтиёж борлигини кўриб, “Тирозу-з-заҳаб фи адаби-т-талаб” асарини ёзди. Аммо асар ҳажми катта бўлган ва талабаларга уни ўқиши ва ёдлаш қийин қийин эди. Сўнг баъзи талабалар ундан талаба ва муаллимнинг одоб-ахлоқига доир осон ва қисқача бир китоб ёзига беришни илтимо қилишди. Шундан сўнг Самъоний ушбу китобини тасниф этди<sup>42</sup>. Шунинг учун аллома муҳтасар асар ёзишни қарор қилиб, ушбу асарни таълиф қилган.

#### **Самъонийнинг ушбу китобдаги услуги:**

“Адабул-л-имло ва-л-истимло” асарининг услуги қўйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, асар қўйидаги қисмларга тақсим қилинган.

Муаллиф асарини муқаддима, кириш ва уч фаслга тақсимлади.

–Муқаддимада китобни таълиф қилиш сабабларини келтирди;

–Кириш қисмида эса илми толиб одобларининг аҳамиятини баён қилди;

–Биринчи фаслда “мумлий”(ҳадис ривоят қилувчи)нинг одобини баён қилди;

–Иккинчи фаслда “мустамлий”(ривоятни етказувчи)нинг ҳадисни қабул қилиб олиши ёритилган;

–Учунчи фаслда ҳадисни ёзувчи талабанинг одоби баён этилган. Ушбу фаслнинг хотимасида ёзиш ва унинг предметлари (қалам, сиёҳ каби) одоблари келтирилган;<sup>43</sup>

**Иккинчидан**, муқаддимада айтилганидек талабаларга ўқиши ва ёдлашлари осон бўлиши учун асар муҳтасар қилинган.

**Учунчидан**, кўп ўринларда Қуръони карим оятларидан далиллар келтирилган.

Қуръон оятларига алоқадор мавзулар келганда, уни исботлаш учун оятлардан келтириб ўтилади. Масалан, китобда бирор жойга бормоқчи бўлган киши, йўлга чиққанида нима қилиши лозимлиги тўғрисида қўйидагича келтирилади:

“Агар киши мажлисга бораётган бўлса, юришидан мақсадни қўзласин. Аллоҳ таоло айтади: **“Рахмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жохил**

<sup>42</sup> Абдулкарим Самъоний. Адабул имло вал истимло. Аҳмад Муҳаммад Абдурраҳмон Муҳаммад Маҳмуд тадқики. 1-жуз. – Жидда: “Матбаатул Маҳмудий”, 1993 йил. – Б.49.

<sup>43</sup> Ўша асар. – Б.50.

**кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир”<sup>44</sup>.**

**Тўртинчидан**, кўп ўринларда исботлаш учун набавий ҳадислардан ҳам келтириган.

**Бешинчидан**, баъзи олимларнинг сўzlари келтирилган.

**Олтинчидан**, илмга даъват қилиш юзасидан баъзи мавзуларга муносиб шеърлар келтирилган.

**Еттинчидан**, ҳадислар, хабарлар ва шеърларни санадлари билан келтиришни ўзига лозим тутган.

**Саккизинчидан**, исноддаги иллатлар сабабини баён қилган.

**Тўққизинчидан**, бир ҳадисни фойдалилигини ошириш учун уни ҳар хил иснодлар билан келтирган. Яъни, ҳадисни мустаҳкамлаш учун такрор келтирган.

## **ХУЛОСА**

Таълим-тарбия, ёшларни илмга қизиқтириш барча давр ва маконларда долзарб мавзу бўлиб келган. Таълим жараёнини самарили ва юкори даражада ташкил этиш учун Абдулкарим Самъонийниг “Адабул-л-имло ва-л-истимло” асари намуна бўлади.

## **ФОЙДАЛИНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

16. Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сийар аъломун нубало. 20-жуз. – Байрут: “Муассасатур рисола”, 1982.
17. Тожиддин Субкий. Табақотуш шофиъийятул кубро. 7-жуз. – Байрут: “Дорул кутубил илмийя”, 1964.
18. Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. Самарқанд -2016. – Б.41.
19. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007.
20. Абдулкарим ас-Самъоний. Ал-Ансоб. Абдулғафур Раззок Бухорий, Комилжон Раҳимов таржимаси. – Тошкен, 2017.
21. Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1984.
22. Д.Раҳимжонов, Д.Муратов. Ҳадисшунослик фанидан маъruzалар матни. – Тошкент, 2010 йил.
23. Абдулкарим Самъоний. Адабул имло вал истимло. Аҳмад Муҳаммад Абдурраҳмон Муҳаммад Маҳмуд тадқиқи. 1-жуз. – Жидда: “Матбаатул Маҳмудийя”, 1993 йил.
24. [https://ar.wikipedia.org/wiki/أبو\\_سعد\\_السمعاني](https://ar.wikipedia.org/wiki/أبو_سعد_السمعاني)
25. <https://www.ahlalhdeeth.com>
26. <https://www.alukah.net>

<sup>44</sup> Фурқон сураси, 63-оят.

27. <https://www.goodreads.com>
28. <https://waqfeya.com>
29. <http://islamdag.ru>
30. <http://sunna.e-minbar.com>